

# O'ZBEKISTON



# OVOZI

ЎТМОЙ-  
СИЙСИ  
GAZETA

• 2005-йил • 25-йун • Shanba • 77 (27.412) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган.

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ГАЛЛАКОРЛАРИГА

Азиз дўстлар!  
Авваламбор, сизларни 120 минг тонналик галла хирмони бунёд этиб, давлатга дон сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизлар қўлга киритган бу катта ютуқ замирида мураккаб табиат ва иқлим шароитида фидокорона меҳнат қилаётган лафзи ҳалол вилоят галлакорларининг азму шижоати, қадимий Бухоро деҳқончилиги мактаби аъёнларини муносиб давом эттириш йўлидаги интилиш ва изланишлари мужассам, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Бу муваффақиятга эришишда ҳозирги вақтда қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган ислохотлар, деҳқонларимизнинг ерга, мулка бўлган эгаллик ҳисси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси ортиб бораётгани, соҳанинг бугуни ва келажagini белгилаб берадиган фермерлик ҳаракати кенг йўл очиб берилаётгани, маҳаллий шароитга мос галла навларининг танлаб экилгани, ишнинг замон талаблари асосида тўғри ва самарали ташкил этилгани ҳал қилувчи омил бўлгани айниқса эътиборлидир.

Бундай галабалар ўзбек халқи ҳеч қачон,

ҳеч қимдан кам бўлмайди, ўзининг эркин ва фаровон ҳаётини ўз қўли билан бунёд этади, деган қатъий ишончимизнинг яна бир амалий тасдиғи, керак бўлса, мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Мана шундай қувончли дамларда қадок қўллари билан ердан ризқ-рўз ундириб, юртимиз бойлиғига бойлик қўшиб келаётган сиз каби минг-мингларча заҳматқаш инсонларга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, албатта.

Бухоронинг юксак галла хирмониға муносиб ҳисса қўшган барча деҳқон ва фермерларни, ширкат ҳўжаликлари аъзоларини, механизатор ва мутахассисларни яна бир бор қутлаб, ўзимнинг самимий миннатдорлигим ва хурмат-эҳтиромимни билдираман.

Вилоят меҳнатқашлари қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам мана шундай салмоқли ютуқларга эришади, деб ишонаман.

Барчангизга сичат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, қўт-барака тилайман.

Ўқирманг, азизларим, қадрдонларим, доимо омаднингизни берсин!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ЎНТИЛИШ ВА ЎЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

туфайли вилоят галлакорлари  
йиллик шартнома режасини  
муваффақиятли бажардилар

Марраға етиб келиш осон кечмади. Бултур кузда яхши ният билан 61 минг гектар ерга ҳосилдор, сара уруғ қадалди. Вилоят ҳосилдорлиги галлакорларга гамхўрликни кучайтириб, минерал ўғит, сув, ёнилғи ва техникани вақтда етказиб бериш тадбирларини кўрди. Туманларда галлачиликда деҳқончилик тармоқларига амал қилиш жараёнлари қатъий назорат остида бўлди.

Ғалвир сувдан кўтарилганда 4916 та фермер ҳўжалигининг барчасида қутилганидан зиёд ҳосил етиштирилди. Давлатга сотилган ҳосил салмоғида уларнинг улуши 89574 тоннани ташкил этди.

Ғалла ўрими Қоровулбозор туманидан бошланди. Илгари бу ерда етиштирилган ҳосил техника етишмаслиги оқибатида қўллаб нобуд бўларди. Бу йил эса ўрими техникасининг барча турлари таъминоти йўлга қўйилиб,

ҳосил йғими беш иш кунидек саранжомланди. Вилоятдаги 31 та «Енисей», 100 та «Кейс» ўрими комбайнлари галлакорлар иштироғида берилди. Умумий дон хирмони 26540 тоннадан ошди, бунинг 10002 тоннаси давлатга сотилди. Гектарлар ҳосилдорлиги чўл шароитида 40 центнерга етди. Бу олдинги йилларга қараганда 8,2 центнерга кўп. Ёки фермерлар шахсий омабериға 16580 тонна дон кирди.

— Ҳозирғача суғорма ва лалмикор майдонларда ҳосилдорлик гектар бошиға ўртача 52 центнерни ташкил этаёттир, — дейди вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Матлуб Нўзмовов. — Мавсум охирида бу миқдор янада ҳосил техника етишмаслиги оқибатида қўллаб нобуд бўларди. Бу йил эса ўрими техникасининг барча турлари таъминоти йўлга қўйилиб,



лиард сўм бўлапти. Айниқса, Қоровулбозор, Олот, Жондор, Бухоро, Вобкент, Ғиждувон туманларида даромад чўғи бултурғиға қараганда анча баланд...

— Дарҳақиқат, — дейди Вобкент тумани ҳокими Муҳиддин Эсамов, — биз давлатга қарийб 15 минг тонна дон сотиш эвазига 1,5 миллиард сўмдан зиёд даромад эгаси бўламиз. Бу эса қишлоқда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда асосий ўрин тутди...

Ҳа, кейинги йилларда вилоятда галлачилик соҳасида катта таъриба мактаби яратилди. Бухоро туманидаги «Маданият», Вобкент туманидаги «Зарфшон», «Зарбдор», Жондор туманидаги «Истиклол», Шойфиркон туманидаги «Бухоро», Ғиждувон туманидаги Ҳамид Олимжон номилик ширкат ҳўжаликларида уруғлик ҳамда оқори ҳосилли навлар эвазига катта даромад олинапти.

Даврон БАҲРОНОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири

## МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ИШИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

### «ХИВА — КАРПЕД» ГИЛАМЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРИДА

Хоразм воҳаси азал-азалдан нафақат ўзининг бой маданият-маърифий мероси, балки гўзал, кўзни чўғдек қамаштирувчи гиламлари билан ҳам жаҳонга машҳур.

Бундан икки йил олдин фойдаланишга топширилган «Хива — Карпед» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси жамоаси бу йил янада қўллаб сифатли гилам ва гилам маҳсулотлари иш-

лаб чиқаришга бел болаган. Жумладан, 2 миллион квадрат метр гилам тўқишни ният қилган хивалик юзлаб ёш йигит-қизлар ўз маҳсулотларини чет элга ҳам экспортга жўнатишни қўллаб турибдилар.

— Гиламларимизга харидор кўп, — дейди моҳир гиламдўз Ҳабиба Юсупова. — Улар орасида айниқса, чет эллик бурюрмачилар сони ошиб бораётгани

кувончи ҳол. Негаки, экспорт — бу, валюта. У — нафақат корхонамиз ёки ишчи-хизматчиларимиз манфаатдорлигини оширишга, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади...

Суратларда: корхона маҳсулотларидан намуналар; гиламдўз Ҳабиба Юсупова. **Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА)** олган суратлар.

Кеча пойтахтимизда Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юрталари, хотин-қизлар кўмиталари ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши раиси Рустам Қосимов бошқарди. Нотиклар сўзларида мамлакатимизда мустақиллик йилларида маънавий-маърифий соҳада қўллаб хайрли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Қуддус Аъзамов ўз маърузасида ислохотлар жараёни, мамлакатимиз зиёлилари, маърифатчилари олдида турган дол-

зарб маънавий-маърифий, мафқуравий вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

— Андижон воқеалари муносабати билан мустақил Ўзбекистонимизга нисбатан уюштирилаётган ахборот хуржлари, уйдирмалар, таҳдидлар яна бир бор Президентимизнинг «Мафқура полигонлари ядро полигонларидан хавфлироқдир», — деган гапларини исбот қилиб турибди, — деди Қуддус Аъзамов. — Андижон фожиаси етказган маънавий зарарни ҳеч қанақа маблағ би-

лан ўлчаб олмаймиз. Ушбу воқеалардан ҳар биримиз, айниқса, биз маънавиятчилар ўзига, хос ҳулоса чиқариб олишимиз даркор. Шунга ўхшаш фожиалар содир бўлмаслиғи учун биз нима-лар қилишимиз керак, деган долзарб вазифалар биринчи навбатда маънавият ва маърифат тарғиботчиларининг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Машқура Сафарова, республика ички ишлар вазирининг ўринбосари Алишер Шарафутдинов ва бошқалар ҳам ушбу масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда мафқуравий

сўзга чиқишиб, турли ёвуз кучлар демократия, дин ниқоби остида ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун барча нопок йўللардан фойдаланишгаётганини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Машқура Сафарова, республика ички ишлар вазирининг ўринбосари Алишер Шарафутдинов ва бошқалар ҳам ушбу масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда мафқуравий

тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини янада ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг амалий ечимлари белгилаб олинди. Шу соҳага мутасадди вазирлик, идоралар ҳамда Кенгаш аъзоларига аниқ вазифа ва топшириқлар берилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона ва солиқ кўмиталарида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларнинг ҳолати ҳақида Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод

Олимов кенг тўхталди. Бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти Маънавият ва маърифат кенгашлари фаолияти ҳам таҳлил этилди. Давлат, идоралар ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларига маънавий-маърифий ва мафқуравий тарғибот ишларини сифат жиҳатидан кескин кучайтириш, бу соҳадаги фаолиятни замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан тавсиялар берилди.

Маъмуржон МАҲМУД,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



Бугунги кунда хилма-хил газеталарни ўқиб, турли ахборотлар дунё янгиликларидан хабардор бўлиш ҳаётини эҳтиёжга айланиб қолди. Аммо, очигини айтганда, газеталар қўлимизга етиб келгунча, унга қанча меҳнат сарфлангани, қимматли жонбозлик қўрсатгани билан деярли қизиқмаймиз. Буни ўйлаб ҳам ўтирмаймиз.

Газетани тайёрлашда таҳририят ходимлари кўп меҳнат қилиши маълум. Аммо яна бир жамоа борки, улар айнан тунда ўз оромидан воз кечиб меҳнат қилишади. Одатда матбуот дўконларига газеталар эрта тонгда етиб келади. Демак, ўз-ўзидан маълумки, улар тунда чоп этилади. Тун бўйи босмахона ишчилари, соҳа мутахассислари тунни кунга улаб ишлайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига қарашли босмахонада бугун 80 га яқин даврий нашрлар чоп этилмоқда.

— Матбуот нашрлари тонг саҳарда ўз ўқувчиларига етиб бориш учун биз тунда ишлаймиз, — дейди босмахонанинг техник раҳбари Бахтиёр Шамсидинов. — Тўғри, бунинг ўзига яраша оғир томонлари бор. Лекин ўз касбининг астойдил яхши кўрсанг, қийинчиликлар сезилмайди. Қолаверса, матбуот нашрларининг янги сони, улар саҳифаларидаги янгиликлар, мақолалар билан биринчи бўлиб биз танишамиз. Бунинг ҳам ўзига яраша завқи бор, албатта.

Дарҳақиқат, газета мутахассисининг завқи ўзгача. Илоҳим бу завқ ҳаммага nasib этсин.

Суратларда: газеталарни чоп этишга тайёрлаш цехи катта устаси Жамолдин Абдураҳмонов ўз шогирдлари билан газетанинг компьютердан плёнкага олинган нусхасини кўздан кечирмоқда; чоп этиш цехидан лавҳа.

Сарвар ўРМОНОВ (ЎЗА)  
олган суратлар.

TOSHKENT SHAHAR  
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
MULKIDORGA HANKORI  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz  
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari  
TOSHKENT  
XALQARO  
AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —  
aniq, tez, ishonchli!  
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04  
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz  
Хизматлар лицензияланган

Фармонни ўқиб

— Президентимизнинг сўнгги кунларда матбуотда эълон қилинган «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий тини янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари иқтисодий ислохотларнинг янада такомиллаштирилиши билан бевосита боғлиқ.

Чунки, бу масалаларни тўла ва пухта ҳал этмай туриб, бошқа муаммолар ечимини топиш мушкул. Шу нуқтаи назардан Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатнинг Қўшма мажлисида таъкидланганидек, 1997 йилда яратилган солиқ кодекси бугунги кун талабларига тўла жавоб беролмапти. Йўқса, сўнгги 2-3 йил ичيدا мазкур кодекс ва солиқ қонунчилигига юздан ортиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритиларми?

ЎЗБЕКЛИК ВА ТЕРРОР ЙЎЛИДАГИ МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ

Бугун Ўзбекистонда рўй бераётган воқеаларни эркин фикрлик ёки сиёсий ташкилот учун кураш деб ўйлаш гўллик ҳисобланади. Бу — уруш. Сўнгги йилларда Тошкентда ҳуқуқ объектларига, АҚШ ва Исроил элчихоналарига уюштирилган қатор террорчилик ҳаракатлари учун «Ҳизб ут-Таҳрир» жавобгардир. Бахтимизга, бир йил аввал Исроил элчихонасига қилинган ҳужум чоғида қўрбонлар сони кўп бўлмади — бунда ўзини портлатиб юборган террорчилар икки нафар маҳаллий қўриқчиларнинг умрига зомин бўлди. Бундан бир неча ҳафта аввал исроиллик қўриқчилар элчихонага уюштирилган яна бир босқинчиликнинг олдини олишга муваффақ бўлишди.

Ғарб мамлакатлари, айниқса Европа давлатлари Президент Каримовдан бегуноҳ одамларнинг қонини тўкишдан тап тортмайдиган, виждонни қийналмайдиган ўлим келтирувчи усулларни қўлловчи рашиал оқишларга қарши куч шилтамадан, беозор кураш олиб боришни талаб қилишмоқда. Улар Президент Каримовни инсон ҳуқуқларига риоя этишга, сўз эркинлиги талам оқилоларни ҳурмат қилишга ва муҳофизат ташкилотларни қатъан қилишдан тийилишга чақирмоқдалар.

Бугун Ўзбекистонда рўй бераётган воқеаларни эркин фикрлик ёки сиёсий ташкилот учун кураш деб ўйлаш гўллик ҳисобланади. Бу — уруш. «Ҳизб ут-Таҳрир» ўз мақсадларига эришиш учун Ўзбекистонни синво полигони сифатида танлади. Агар улар бу мамлакатни ўз назоратига олишга муваффақ бўлишса, бутун Марказий Осиёни эгаллашлари учун йўл очилади.

Биз Ўзбекистонда қандай воқеалар рўй бериши мумкинлигини унга қўшни икки мамлакат — Афғонистон ва Эрон мисолида кўрган эдик. Жимми Картер маъмурияти инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ахволни яхшилаш шiori остида ҳаракат қилган ҳолда Эронда шох тузумини ағдарди. Натжида Техрондаги ҳокимиятни Ғарбда, Францияда панож топган Отаўло Хумайни ва унинг тарафдорлари эгаллади. Қўлгани эса тарих, чорак асрдан кўпроқ вақт ўтишига қарамадан, шу даврга чирор-бир ўзгариш бўлмади ва келажакда

асл қиёфасини англаб етди ва Афғонистонда топиблар тузумини ағдарди ташлади. Бироқ хавф-хатар ҳамон сақланиб қолмоқда. Толиблар ҳокимиятдан маҳрум этилган бўлса-да, улар ҳануз бугун Афғонистон бўйлаб фаол ҳаракат қилимоқда ва қўшни мамлакатларга, жумладан Ўзбекистонга ҳам ҳужум соллоқда.

«Ҳизб ут-Таҳрир» етакчилари Лондон ва Парижда сиёсий бошлану ва панож топаётгани ва бу базалардан туриб очкичасга ҳаракат қилаётганини кўрган да кишида «ёёа vi» (воқеаларнинг тақдорини аниқлаш) ҳисси қуачири. Уларга поконилик фаоллар ердан бермоқда, бу мақсадлар учун пул эса нархотиклар контрабандаси билан шугулланувчилар фойдаланадиган йўналишлар орқали етказилмоқ

ЎзХДП янгиликлари ҚИСКА САТРАЛДАРДА

«Сихат-саломатлик йили» давлат Дастури доирасида Самарқанд вилоят хотин-қизлар кўмитаси, ЎзХДП вилоят кенгаши, «Экосан» халқаро ташкилоти бўлими ҳамда Самарқанд тиббиёт институти ҳамкорлигида «Она табият ва соғлом авлод» мавзусида қизиқарли анжуман ўтказилди. Унда тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари, маҳалла ва партия фаоллари иштирок этдилар. Тадбирда вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси, ХДПдан вилоят Кенгаши депутати Г.Худойбердиева, вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Д.Имомова ва бошқалар табияти асраш, экологик маданият ҳамда Ўзбекистон ХДПнинг бу борадаги фаолият йўналишлари тўғрисида йиғилганларга гапириб бердилар.

Наманган шаҳар кенгаши алоқа ва транспорт коллежида ёзги таътил мавсумида талабалар билан турли учрашувлар ташкил қилиш, улар билан доимий алоқада бўлиб туриш масаласига бағишланган йиғилиш ташкил этди. Ҳаётини мураббийлар ва туман партия фаоллари бу борада бир қанча режаларни белгилаб олдилар.

Чортоқ, Косонсой, Норин туман кенгашлари қишлоқ ва маҳаллаларда, турли меҳнат жамоаларида оғоҳликни кучайтириш, ёшларнинг диний оқимлар таъсирига тушиб қоллишини олдини олиш масалаларига бағишланган учрашувлар, мулоқотлар ўтказдилар.

ЎзХДПдан халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашига сайланган Ш.Сафаров, Хатирчи туман Кенгаши депутати Т.Боймуродов сайловларини ҳузурда бўлдилар. Депутатлар ўз фаолияти хусусида тўхталиб, сайловчиларнинг саволларига жавоб бердилар, тақлифларини тингладилар. Учрашувларда Андижон воқеаларига ҳам тўхталиб, иштирокчилар Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватладилар.

Қарши «Қўқаламзорлаштириш» хусусий корхонаси раҳбари, ЎзХДПдан халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайланган О.Умирновнинг харбий ҳисм аскар ва офицёрлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Депутат Андижон шаҳридаги бўлиб ўтган воқеаларга тўхталиб, аскарларни янада ҳушёр ва оғоҳ бўлишга чақирди.

Андижонда содир бўлган воқеаларга бағишлаб ЎзХДП Қува, Риштон, Тошлоқ, Тайлоқ, Пайриқ, Музрабод туман кенгашлари аҳоли вакиллари иштирокида семинар, суҳбат ва учрашувлар ўтказдилар. Фўқаролар томонидан террорчи гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари қаттиқ қораланиб, ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат қўллаб-қувватланди.

ЎзХДП Бўз туман кенгаши Бўз педагогика касб-ҳунар коллежида Абдулхамид Сулаймон (Чўлпон) хотирасига бағишланган кеча ўтказди. Унда талабалар, адабиёт ихлосмандлари, адабий жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, истиклол кўйичи, Андижоннинг суоқли фарзанди ҳаёти ва ижодини ёдга олдилар. Кеча давомида унинг чинакам ватан фарзанди эканлиги, ибратли ҳаёти улуғлиги, шеърларидан намуналар ўқилди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ва Муборак газни қайта ишлаш заводи маъмурияти ташаббуслари билан Яккабў туманидаги «Нихол» болалар оромгоҳида учрашувлар ташкил этилди. Унда ҳажвчи ёзувчи Муҳаммад Очил иштирок этиб, ўзининг ҳикоя, катрларидан намуналар ўқиб берди. Тадбирда сўзга чиққан ХДП вилоят кенгаши раиси О.Равшанов йиғилганларга Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни, партиядан сайланган депутатлар фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Навоий шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Навоий кон металлургия қўбинати ётоқхонасида истиклол қилаётган болалар ўртасида «Ватан муқаддасидир, ватан биттадир» шiori остида тадбир, «Ибҳваңдлик — умр заволи, спорт — соғлиқ гарови» мавзусида асфальтга расм чизиш танлови ўтказилди. Тадбирда фаол иштирок этган ёшларга ҳамда 5 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига «Камолот» ЁИХ бўлими, ХДП вилоят кенгашининг эсдалик совғалари ва ўқув қуроллари тақдим этилди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот хизмати

ЖУРНАЛИСТ. ЖУРЪАТ. ЖАСОРАТ

Бугун замон тез ўзгармоқда, ҳаётнинг ўзи матбуот ва ОАВ ходимлари олдида қутулган синоваларни қўндалан қўймоқда. Мамлакатимизда амалга оширилётган беқийс ишлар моҳияти ва қадрини чуқур англаш, ён атрофимизда, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар сабабидан ўз вақтида оғоҳ бўлиш, оқ билан қорани, дўст билан душмани ажрата билиш осон иш эмас албатта...

Байрам ерасида ҳамкасбларимиздан айримларига битта савол билан мувожаз эдик: БУГУН ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА НИМАДАН ИБОРАТ ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗ?

Номоз САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» газетасининг ижтимоий ҳаёт ва иқтисодий тини мудири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист: — Бугун матбуот эркин. Бу имкониятни қадрига етиш керак... Бизнинг вазирамиз ва бурчимиз, энг аввало, мана шунга йўл очиб берган Истиқлолнинг, унинг миллий ғояларини турли мавзу ва жанрларда мазмунли ёритиш.

Журналист қачонки, ҳар бир воқеа ёки ҳодисанинг ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маърифий моҳиятини ўз Ватанининг жаҳондаги макени, орияти ва ҳақиқати уйғунлигида тушунагани яқини ҳам, ёмонни ҳам зийрак ажрата олади... Чунки, ҳозир дунёда шундай сиёсий «уйи»лар борки, «бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур» нақлига ўхшаш...

Мана, Андижон воқеаларини олинг: фоҳиа ижрокларини ортида қимлар турибди? Улар олдинга «хамкоримиз» дея ўзларини бизга хайрихоҳ кўрсатганган... Майли, улар-ку, бегона. Аммо, ўзимиздан чиққан бирга бақамти яшаётган томошабин, лоқайд, айғоқчи, икки юзламачиларга нима дейсиз? Унга давлатлардан ва ҳатто океанлар ортидан ўз Ватанининг ҳасадгўилари-ю гаразгўиларидан панож сўраса, додинги кимга айтасан? Балки бугунги айрим хамеллонларга ҳам айтар гапимиз бордир?

Шу боис, ҳар бир миллат журналисти — энг аввало, ориятли, нафсониятли, ҳушёр, жасур, фидойи, ҳолис ва ҳозиржавоб бўлмоғи шарт!

Айни чоғда у моҳир нотиж, кучли сиёсатчи ва нозик дипломат ҳам бўлмоғи керак...

Ҳабиб ТЕМИРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири биринчи ўринбосари:

— Ҳозир журналист олдида турган бирламчи вазифа ўзининг билими, дунёқараши тинимсиз кенгайтириш, профессионали маҳоратини, савиясини муттасил оширишдан иборат. Токи шу нарса бўлмас экан, баландрарвоз гаплар, даб-дабали шior ва даъватлар бир пул. Бугун биз «ахборот урушлари» даврида яшаймиз. Неочеглик ваҳимали ту-юлмасин, бу — айни ҳақиқат. Жаҳон ахборот майдони замонавий коммуни-кация технологиялари тўғрисида сарҳадсиз, чегарасиз, ягона ҳудуд бўлиб қолди.

Интернет тармоғи орқали тарқалаётган ахборотлар, ер юзининг исталган бурчагидан манзилга, хонадонга кириб бормоқда. Унинг йўлига ҳеч қанақа тўсиқ қўйиб бўлмайди. Ана шундан фойдаланган айрим сиёсат арбоблари буюк давлатликки иддаоларини янги куч, янги тўлқин билан авж олдирмоқдалар. Давлатларни, халқларни ўз «таъсир ва манфаат доирасига» киритиш учун, оддий қилиб айтганда, қарамлик-да, «ахборот мустамлакиса»да тўтиш мақсадида, жамоатчилик онги, шуури, фикрини ўзлари истаган йўналишда шакллантиришга уринмоқдалар. Андижон, ахборот майдонда ҳукмронлик учун аёвсиз кураш бормоқда. Бу кураш давомида турли томондан бўлаётган ва муттасил бўлажак ахборот хуружларига дош бериш, муносиб жавоб қайтариш учун ҳам ақл, юксак савия, юқори дара-жадаги билим, маҳорат, ҳозиржавоблик, қатъият сув ва ҳаводай зарур. Шунга эришасан, айни пайтда ростгўйлик, мустаҳкам иймон, пок виждонга асосланган аниқ фўқаролик позициясини эгалласан, юрагимизда Ватанга чексиз муҳаббат ва сadoқат, миллий ғурур ва орият жўш урса, чиндан ҳам ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам ҳам, ҳеч кимдан ҳам қўл бўлмаймиз.

Инобат НОРМУРОВА, «Ўзбекистон» телеканали «Сиесат» студиясининг катта муҳаррири:

— Журналистнинг бугунги кундаги асосий вази-фаси — вазиятга ҳаққоний баҳо бериш. Бўлаётган воқеаларга холи-сона ёндашиш, қўл ураётган мавзунини чуқур ва мукаммал ўрга-ниш. Сўзда масъуллиқ ҳиссини унутмаслик!

Бугунги шиддаткор давр мулоҳазакор бўлишни ҳам талаб этади. Журналист хомхатала фикрларга асосланмаслиги, тезкорликка интилиб, холислиқдан йи-роқлашмаслиги шарт. Бундан ташқари оммадан, одамлардан бир қадам илгари юрмоғи лозим.















Андижон воқеалари бизни яна бир бор синовдан ўтказди. Айрим хориж ОАВ бу ҳақда шовша-шошарлик билан ахборотлар тарқатди. Ахир, журналист ҳўкм чиқармаслиги, балки манбаларни таҳлил қилиб, фикр билдириши лозим.

Абдусамат РАҲИМОВ, «Ma'rifat» газетаси бош муҳаррири биринчи ўрин-босари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:

— Журналист олдидаги масъу-лият, вазифа ҳам, агар у бирор бир мамлакатга, жа-миятга мансуб ёки кенгроқ олсак ўз ватанига эга бўлса, унда яшаётган инсонлар мақсад-муддао-лари билан муштарак келади. Унинг касби нуқтаи назаридан амалга оширадиган ҳар бир иши юртининг эртага бугундан кўра гўзал, тўқис ва мустаҳкам бўлишига хиз-мат қилади. Қачонки, журналист бу йўлдан оғса, майдалашиб кетади, ўз та-янч нуқтасини йўқотади. Муаллақ ҳолат-даги нарса эса фақатгина хоҳиш-ирода-сиз, ташқи таъсир измида ҳаракатлана-ди.

Матбуот саҳифаларида ўқиган эдим, «Улкан истеъдодлар қўнична бир-бирига дўст эмас, рақиб бўладилар». Мен ўзини истеъдодли деб билган журналистлар бир-бирига рақиб бўли-шини хоҳламам. Ҳозир журналистларнинг бир газетадан иккинчисига ўтиб кетиши оддий ҳолга айланган. Аслида эса журналистнинг бо-шқа жамоага ўтиб кетиши катта сенсация бўли-ши керак.

Журналист ҳолис, жасоратли ва доимо бе-дор бўлиши, фақат ҳақиқат томонда туриши керак. Эскича иш усулларидан воз кенди-дан вақт келди. Энг катта камчилигимиз янги-ликларнинг муҳимини номумимдан ажрата олиш малакаси шаклланмагандир...





Тайёргарликлар ниҳоясига етмоқда

«Катта саккизлик» мамлакатлари раҳбарлари 6 июль кун...



Бекзод НОРБОВ, ЎзА мухбири

«Яқин Шарқ айни пайтда жуда кенг тушунчага айланган бормоқда...

Бундан ташқари, учрашувда Эрон ва Афғонистон масалалари ҳам кўрилади...

Муддатлар ноаниқ

АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелд Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар кўлдан бой берилмагани...

— АҚШ бу ишни охиригача етказишни ваъда берган ва бизнинг ушбу ушбу...

Бу баёнот Ироқдаги эъравонликлар кўчмай, Америка фуқаролари Ироқ кампаниясига тўбора...

Харбий ҳаракатларга қарши бўлган бир гуруҳ конгрессменлар кўшинларни 2006 йилнинг биринчи...

Вазир Сенат аъзолари олдида сўзлаб, ҳали Америка қўшинлари Ироқдан олиб чиқиб кетиши...

Улуғбек СУННАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги оғир жазоларга қўйиш ҳақида...

Шундай экан, бундай оғурурушларга қарши курашиш фақат ҳуқуқтартибот идораларининг иши деб тушуниш нотўғри...

Шунингдек, ҳисобда турувчи шахслар баъзи жойларда назоратдан четда қолмоқда...

«Тоғлар»ларнинг ўтказиш учун оғурурушлар турли усулларни қўлланмоқда...

«ЗАҲРИ ҚОТИЛ» ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Кўнунга хилоф равишда мамлакатимизга олиб қилинган гиёҳвандлик моддаларининг наватбадгаги туркуми йўқ қилинди...

АЖАЛ ЧАНГАЛИ

Маълумотларга кўра, дунёда гиёҳвандликка қарши курашиш учун курашган бир неча ўн миллион АҚШ доллари...

Ўтган йили 16432 метр квадрат майдонда таркибидан наркотик моддалар мавжуд ўсимликлар етиштирилган...

Статистик маълумотлар шунини кўрсатадики, ўтган йили гиёҳвандлик воситаларидаги психотроп моддалар билан қўнунга хилоф равишда...

Мазкур ҳолатлар бундан ўзгаришига қарамай, шунингдек, айрим ички ишлар органлари ҳодимлари томонидан...

Мазкур ҳолатлар бундан ўзгаришига қарамай, шунингдек, айрим ички ишлар органлари ҳодимлари томонидан...

«ЎЗБЕКISTON — УМУМИЙ УЙИМИЗ»

«Бизнинг бугун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз — халқимизнинг ақл-заковати, унинг талланган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган халқлараро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиғидир».

Ислом КАРИМОВ



Часи ватан тақдирини унун юксак масъулият туйғуси билан яшашмоқда...

Ўзига хос баркамол тусини олган ушбу анжуманда иштирок этган мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари...

Ўзбекистоннинг миллий сиёсати, юртимизда қарор топан миллатлараро тотувлигининг моҳияти ҳақида гапириб, ушбу китоб мазкур жараёндаги кўрсаткичларни...

Ўзбекистоннинг миллий сиёсати, юртимизда қарор топан миллатлараро тотувлигининг моҳияти ҳақида гапириб, ушбу китоб мазкур жараёндаги кўрсаткичларни...

Ўзбекистоннинг миллий сиёсати, юртимизда қарор топан миллатлараро тотувлигининг моҳияти ҳақида гапириб, ушбу китоб мазкур жараёндаги кўрсаткичларни...

Ўзбекистоннинг миллий сиёсати, юртимизда қарор топан миллатлараро тотувлигининг моҳияти ҳақида гапириб, ушбу китоб мазкур жараёндаги кўрсаткичларни...

Ўзбекистоннинг миллий сиёсати, юртимизда қарор топан миллатлараро тотувлигининг моҳияти ҳақида гапириб, ушбу китоб мазкур жараёндаги кўрсаткичларни...

Ўзбекистоннинг миллий сиёсати, юртимизда қарор топан миллатлараро тотувлигининг моҳияти ҳақида гапириб, ушбу китоб мазкур жараёндаги кўрсаткичларни...

Ўзбекистоннинг миллий сиёсати, юртимизда қарор топан миллатлараро тотувлигининг моҳияти ҳақида гапириб, ушбу китоб мазкур жараёндаги кўрсаткичларни...

Дарҳақиқат, инсонга берилган энг улуг нёҳмат тинчлик ва тотувликдир. Буюк орзу умидлар, яқдиллик, ҳамжихатлик ва биродарлик юрти сифатида юздан зиёд миллат ва эллат вакиллари...

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган ушбу китоб-альбомда акс этирилган фотоларлар ва матнлар орқали кўп миллатли мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик, фуқаролар ҳамжихатлиги, барча миллат вакилларига яратилган тенг шарт ва кенг имкониятлар ҳақида маълумотлар берилган...

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган ушбу китоб-альбомда акс этирилган фотоларлар ва матнлар орқали кўп миллатли мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик, фуқаролар ҳамжихатлиги, барча миллат вакилларига яратилган тенг шарт ва кенг имкониятлар ҳақида маълумотлар берилган...

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган ушбу китоб-альбомда акс этирилган фотоларлар ва матнлар орқали кўп миллатли мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик, фуқаролар ҳамжихатлиги, барча миллат вакилларига яратилган тенг шарт ва кенг имкониятлар ҳақида маълумотлар берилган...

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган ушбу китоб-альбомда акс этирилган фотоларлар ва матнлар орқали кўп миллатли мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик, фуқаролар ҳамжихатлиги, барча миллат вакилларига яратилган тенг шарт ва кенг имкониятлар ҳақида маълумотлар берилган...

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган ушбу китоб-альбомда акс этирилган фотоларлар ва матнлар орқали кўп миллатли мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик, фуқаролар ҳамжихатлиги, барча миллат вакилларига яратилган тенг шарт ва кенг имкониятлар ҳақида маълумотлар берилган...

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган ушбу китоб-альбомда акс этирилган фотоларлар ва матнлар орқали кўп миллатли мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик, фуқаролар ҳамжихатлиги, барча миллат вакилларига яратилган тенг шарт ва кенг имкониятлар ҳақида маълумотлар берилган...

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган ушбу китоб-альбомда акс этирилган фотоларлар ва матнлар орқали кўп миллатли мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик, фуқаролар ҳамжихатлиги, барча миллат вакилларига яратилган тенг шарт ва кенг имкониятлар ҳақида маълумотлар берилган...

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган ушбу китоб-альбомда акс этирилган фотоларлар ва матнлар орқали кўп миллатли мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик, фуқаролар ҳамжихатлиги, барча миллат вакилларига яратилган тенг шарт ва кенг имкониятлар ҳақида маълумотлар берилган...

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган ушбу китоб-альбомда акс этирилган фотоларлар ва матнлар орқали кўп миллатли мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик, фуқаролар ҳамжихатлиги, барча миллат вакилларига яратилган тенг шарт ва кенг имкониятлар ҳақида маълумотлар берилган...

Парламент фаолияти

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди...

Вилоятда маҳаллий ҳокимият ва давлат органлари томонидан мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича қарор, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган...

Илгирлигида «Фуқароларнинг муҳофаазатлари тўғрисида» Қонунини ижро этишда муайян ижобий таъбирлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжудлиги таъкидланди...

«Жавоб: — Қўнун ҳодимлари раҳбарлар, масъул шахслар томонидан шикоят, ариза билан муҳофаазат этаётган фуқароларга қўнун муомалалари бўлинган бўлса, уларнинг идораларига кириш фуқаролар учун бироз қийинчиликлар туғдиради...

«Жавоб: — Қўнун ҳодимлари раҳбарлар, масъул шахслар томонидан шикоят, ариза билан муҳофаазат этаётган фуқароларга қўнун муомалалари бўлинган бўлса, уларнинг идораларига кириш фуқаролар учун бироз қийинчиликлар туғдиради...

«Жавоб: — Қўнун ҳодимлари раҳбарлар, масъул шахслар томонидан шикоят, ариза билан муҳофаазат этаётган фуқароларга қўнун муомалалари бўлинган бўлса, уларнинг идораларига кириш фуқаролар учун бироз қийинчиликлар туғдиради...

«Жавоб: — Қўнун ҳодимлари раҳбарлар, масъул шахслар томонидан шикоят, ариза билан муҳофаазат этаётган фуқароларга қўнун муомалалари бўлинган бўлса, уларнинг идораларига кириш фуқаролар учун бироз қийинчиликлар туғдиради...

Муножотхон НУРМАТОВА, философия фанлари номзоди

«ЎЗБАТ АЖ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЮТЕРЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- «ЎЗБАТ АЖ» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сигарета маҳсулотларини сотиш бўйича «ЎЗБАТ АЖ» ҚКнинг эксклюзив дистрибуторлар танловини эълон қилади...

Бекзод ШУКУРОВ

«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига

УЧ АСР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

XIX асрда туғилган, XX асрни кўрган, XXI асрда умргузaronлик қилаётган деновлик Майрам момо Абдурахмонова яқинда 115 ёшга тўлди

Вақт ганимат, умр ўткинчи. Кўз очиб юмгунча, ойлар ўрнини йиллар, йиллар ўрнини асрлар эгаллайди. Тегирмоннинг чархлагани мисоли инсон ҳаёти ҳам гоҳ оқиста, гоҳ шитоб билан айланаверади. Ана шу ганимат дамларда кўпчилик узидан яхши ном, авлодларга мактаб бўлгулик сабоқ, асрларга татигулик из қолдиради.

Денов туман хокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳаддас Давлатова билан «Ҳазорбоғ» ширкат ҳўжалигига бордик.

«Чорғул»да ишим бор — дедилар опа. Шу маҳаллада яшовчи Майрам момо Абдурахмоновани бир йўқлайлик, дегандим. Онахон 115 ёшда. Нафақат Деновнинг, бутун Сурхон элининг онаси, десам муболага бўлмас. Дийдор ганимат. Хали кўрасиз, онахон ниҳоятда хўрсанд бўлади-лар...

Майрам момо АБДУРАХМОНОВА: «...Ростини айтсам, Яратган мени ёддан чиқарганга ўхшайди. Бўлмас, 115 йил яшаримдими?! Онахон кулиб айтган бу сўздан сўнг кўшиб қўйди: «ҳазиллашдим-да болам...» Сўзидан давом этди: Худода минг-миг шўр. Буrhoнги асрда туғилдим, ўтган асрни кўрдим, ҳозирги асрда яшап-

ман... ИЗОХ: Онахон 1890 йил ёзида Ваҳшиворда дунёга келган. Отаси Райимқул саводли, меҳнатқаш, оққўнгили киши эди. Онаси — Турсуной билан жуда аҳил-иноқ яшашган. Қилмаган ишим бўлмас керагов... Узум териш, галла ўриш, ер агдариш, бог сугориш, пахта териш, чорва боқиш, ўтин тўплаш... «Сеники-меники» деган гап йўғиди. Эркаклар бажарадиган юмушни ҳам уддалаб кетаверардик... Кийинчилик нима, оғир кунлар нима, мендан сўранг. Кеча-кундуз ишлаб, эвазига битта зогора нон олардик. Кунжара еган кезларимиз ҳам бўлди...

20 ёшларда эдим. Кеч кузда Деновга пахтага олиб боришди. Нима бўлди-ю, бир кун 2-3 киши режани бажара олмадик. Ер музлаган, кун совуқ. Гира-шира яна далага қайдик. Хуллас, айтилган пахта терилди. Аммо, мен оёғимдан айрилдим — совуқ олди. Орадан 90 йилга яқин вақт ўтибди, ўша кунлар кечагидек ёдимда... — Отамиз Абдурахмон Бўронов баъмани инсон эдилар, — сўхбатга қўшилди момонинг фарзанди Абдушўқур Бўронов. — У киши 2001 йилда — оламдан ўтдилар. Сулоламизда бир асрдан кўпроқ умр кўрганлар сероб. Бобом, момом 103



умр кўришларига асл сабаб ҳам — ана шундай ажойиб ҳислатларнинг борлиги. ...Сут, қатик, кўклатларни ҳўш кўрадилар. Мол гўштини хануз истеъмола қилмайдди. Кўй гўшти, тухум, мант, ош ва бошқа таомларга ў... Ишонасизми, 115 ёшда ҳам рўза тутдилар.

— Узоқ умр ҳам Аллоҳ берган неъмат — сўхбатни давом эттирди Майрам момо. Ха, ха... Момомиз I-II жаҳон урушлари азобларини торди, қатагон йилларнинг гувоҳи бўлди, қахатчилик ҳамда қимматчилик даврларини кўрди, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ортида фидокорона меҳнат қилди. ...Ниҳоят, Муस्ताқиллик ва юрт хурриятини кўриб, шўкрона келтириб яшаётган Майрам момо Абдурахмонованинг тақдирини аниқлаш ҳамда кўвончли замонлар муҳрлангани ўзи бир тарих...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Орамиздаги одамлар «БИР-БИРНИ НЕЧА КУН ҒАНИМАТ ТУТИНГИЗ»

Умр — оқар дарё дейишди. У — боқий эмас, маълум чегараси, сарҳади бор. Уни мазмунли, баракали ўтказиш инсоннинг ўз қўлида. Умр давомида эзгу ишларга улгурсанг, ҳаёт китобингни нурли саҳифалар билан бевасанг, бир кун келиб, босиб ўтган йўлингга назар ташлаганида ўқинмайсан. Умр беҳуда ўтибди, деб ачинмайсан.

Шу ўринда улуг шoirимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур битган мана бу сатрлар ёдга тушади: Аҳбоб, йиғилмоқни фарағат тутингиз, Жамиятигиз борини давлат тутингиз, Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун, Бир-бирни неча кун ганимат тутингиз... Замондошларимиздан бири Эркин Ҳайитбоевнинг номи тилга олинганда уни билганлар кўз олдида тарихчи олим, узоқ йиллар мобайнида республикамиз олий мактабларида ишларга сабоқ берган мураббий, ма-

даният, санъат ва оммавий ахборот воситаларининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган фидойи инсон гавдаланади. Шунингдек, у Халқ демократик партиясининг фаолларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз осмонидида мустақиллик кўшининг порлаши Эркин Ҳайитбоевга ҳам қанот бағишлади. — Мен, — деб тўлқинлиб гапирган эди биз билан бўлган сўхбатлардан бирида у, — оддий бир инсон сифатида мустақилликка эришганимизни ҳар доим ҳаётимизда энг катта бахт, деб биламан.

Ҳақиқатдан ҳам Эркин Ҳайитбоевнинг серкирра фаолияти ва мазмунли ҳаёти билан яқиндан танишган ҳар бир инсоннинг иродасига, салоҳи-тига, меҳнатқашлигига қўйил қолиши тайин. Бу инсоннинг қадрдонлари, ёру биродарлари унинг яна бир ҳислатини жуда яхши билишди. У ҳар доим дўстларини қадрлайди, эъозлайди, улар учун жонини ҳам бериш-

Талъат СОЛИЕВ, Собир ҚУРБОНОВ, Абдурашид ИСАХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 мартдаги ПҚ-29-сонли қарорига кiritилган қўйидаги объект марказлаштирилган электрон биржа савдоларига қўйилмоқда: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо хизмат кўрсатиши соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментига қарашли 5 йил давомида ўз фаолияти турини ўзгартирмаслик шартин билан «MEHRLI SAVDO» давлат корхонаси.

харидорларни марказлаштирилган электрон биржа савдоларига тақлиф қилади. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади.

Бошланғич баҳоси — 856 706 332 (саққиз юз эллик олти миллион етти юз олти миғ ун юз ўлтмиз икки) сўм. Шу ва бошқа давлат ҳамда нодавлат мулк эгаси бўлишни истасангиз, биржа савдоларида рўйхатдан ўтган малакали брокерлар Сизнинг хизматингизда бўладилар. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35- ва 45-хоналар. Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, 144-44-73, 144-44-72. Хизматлар лицензияланган

«SPORT»ЧИЛАР ЭЪТИРОФИ



«Sport» ва «O'zbekiston futbol» газеталари тахририяти ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни арафасида мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ёритишда фаоллик кўрсатган журналистларни аниқлаб, эълон қилиб келди. Жорий йилда ушбу тахририят томонидан «энг фаол газета журналисти» деб газетамизнинг мухбири Эркин Холбобонинг эътироф этилгани жамоамизни кўвонтирди. Биз ҳаммаси дўстимизга ҳар доим фаоллик ва иходий баркамоллик тилаймиз.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ 1-СОН АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

2005-2006 ўқув йилига иктидорли ўқувчиларни танлов асосида қабул қилишни эълон қилади. Академик лицейда: аниқ фанлар (математика, физика); аниқ фанлар (математика, хорижий тил); хорижий филология; ижтимоий-гуманитар; табиий фанлар йўналишлари бўйича талабалар чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитилади. Ётоқхонага муҳтож ўқувчилар учун 200 ўринли «Талабалар уйи» мажвод. Лицейда барча компьютерлар интернет тармоғига уланган. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Академик лицейга IX синфни ўзбек ва рус тилларида биттиргани иктидорли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Манзил: Самарқанд шаҳри, Университет хиббони, 16-уй. Телефонлар: 33-00-19, 33-26-44, 33-24-48.

«GRAND MIR» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ОЧИҚ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларнинг йиллик умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади. Кун тартиби: 1. ОАЖ раҳбарининг 2004 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари ҳақидаги ҳисоботи. 2. Жамият аудитори хулосасини тасдиқлаш. 3. Бухгалтерлик баланси ва фойда-зарарнинг ҳисоб-китобини тасдиқлаш. 4. Жамиятнинг фойда ва зарарларини ҳисоблаш. 5. Ижроия орган раҳбарини тасдиқлаш. 6. Жамиятнинг 2005 йил учун аудиторини тасдиқлаш. 7. Келгуси давр учун тижорат фаолияти режасини тасдиқлаш.

Table with 4 columns: Moddalar nomi, Aktiv (ming sum), Moddalar nomi, Passiv (ming sum). It lists various assets and liabilities of the company as of January 1, 2005.

Table with 2 columns: Moddalar nomi, (ming sum). It shows results of the 2004 financial year audit, including income from services and other income.

Йиллик баланс ҳамда фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботнинг ҳақиқийлиги «ASPEKT AUDIT» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2004 йил 26 июлда берилган № 00599 лицензия

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ҚИБРАЙ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

2005-2006 ўқув йили учун қўйидаги йўналишлар бўйича ўқишга қабул эълон қилади:

- 1. Табиий фанлар. 2. Аниқ фанлар. 3. Ижтимоий-гуманитар фанлар. 4. Хорижий филология.

Ўқувчилар билан ўтказиладиган махсус синовлар ўқиш йўналишларини ҳисобга олманг ҳолда қўйидаги фанлардан имтиҳон ўтказилади:

- 1. Она тили ва адабиёт — иходий иш (баён) 2. Математика, физика, кимё, биология, тарих, хорижий тил фанларининг ҳар биридан 5 тадан ўз ичида камраб олган 30 та савол бўйича кўп вариантли асосида махсус синовлар ўтказилади. Топшириқ саволлари тест усулида бажарилади. 3. Иходий иш (баён) максимал 10 балл билан баҳоланади. Тест синов бўйича ҳар бир тўғри жавоб учун 3 баллдан берилади.

Даввогарнинг тўплаши мумкин бўлган энг юқори балли 100 баллни ташкил қилади. Ўқиш муддати 3 (уч) йил Ўқишга тўққизинчи синфни битирган ўқувчилар қабул қилинади.



Манзил: Университет кўчаси, Академик лицей биноси. Мўлжал Аграр университети. Автобуслар: 96, 19, 83 «Микрорайон» бекати, 491, 115, 53, 230, 77 маршрут-таксилар «Академик лицей» бекати. Тел: 63-92-04.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI:

- Abdulla O'RIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Faruh HAMROEV, Alimqul SULTONOV, Andrey O'ROV, Norbobo SHAKAROV, Nomoz SA'DULLAYEV, To'lepbegonov QAIPIBERGENOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Olim MURODOV, Abdug'ani MAMASODIQOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZII KENGASHI

BO'LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaiy ishlar, Reklama va e'lonlar

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat nuksati bilan amalga oshiriladi.

8908 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22.30, Topshirish vaqti — 24.00

Sotuvda erkin narxda